

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган



Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

IT- ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 1.02.2012 йилдаги «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 24-сон қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги компьютерлаштириш марказлари негизда «Компьютерлаштириш маркази» давлат унитар корхоналарини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мазкур қарор давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олишни янада такомиллаштириш, уларнинг рўйхатини кенгайтириш ва интерактив давлат хизматлари кўрсатишга йўналтирилган.

«Компьютерлаштириш маркази» давлат унитар корхоналари фаолиятига норматив-методик раҳбарлик қилиш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига юклатилган. «Компьютерлаштириш маркази» давлат унитар корхоналари таъминоти учун харажатларни молиялаштириш уларнинг фаолиятдан олинган маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Ҳужжат билан Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатига (ВМнинг 20.02.2006 йилдаги 27-сон қарори билан тасдиқланган) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, Рўйхатда давлат ахборот ресурсларининг бир қатор номлари қайта кўриб чиқилган ва 9 та янги ном киритилган. Хусусан, ДБҚ энди қўшимча равишда божхона ташувчилари ва божхона брокерларининг реестрларини шакллантиради, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари эса – алкоғолли маҳсулотлар сотиш фаолиятини амалга



ошириш ҳуқуқига берилган лицензиялар реестрлари ҳамда рўйхатдан ўтказилган кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлар реестрларини шакллантиради.

Базавий интерактив давлат хизматлари реестрига (ВМнинг 23.08.2007 йилдаги 181-сон қарорига 2-илова) «он-лайн» режимидаги бир қатор янги хизматлар киритилди. Янги жорий этилаётган хизматлар кенг миқёсдаги масалаларни қамраб олади. Чунончи, мисол учун, Соғлиқни сақлаш вазирлиги янги давлат хизмати сифатида ота-оналар учун болаларни режали вакцинациялаш (эмлаш) ва тиббий кўрикдан ўтказиш зарурияти тўғрисида ахборотлар олиш имкониятини жорий қилмоқда. ЎзААА эндиликда абонентнинг стационар телефон алоқаси хизматлари ва Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоблари ҳолати, шунингдек унинг қарздорлиги тўғрисида ахборотлар тақдим этади. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ер участкалари, бинолар ва иншоотларга ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилинаётган ҳужжатлар тартиби ва таркиби тўғрисида ахборот билан таъминлайди. Умуман олганда, Реестрдаги ўзгариш ва қўшимчалар кенг миқёсга эгаллигини кўйидаги рақамлар кўрсатади: олдин Реестрга 92 позициядаги давлат хизматлари киритилган, ҳозир эса уларнинг сони 200 дан кўп.

КРЕДИТ БЮРОЛАРИ УЧУН ТАЛАБЛАР

Марказий банк бошқаруви-нинг қарори (АВ томонидан 19.01.2012 йилда 2315-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Кредит бюросининг ижро органи раҳбари

БАДАЛЛАР ТўЛАГАНИНГИЗНИ ИСБОТЛАНГ

Ўтган йили мамлакатимизнинг пенсия қонунчилиги сезиларли ўзгаришларга учради. Ўтган йилги «Пенсионерлар учун янги қоидалар» («Норма маслаҳатчи»нинг 15.03.2011 йилдаги 10 (295)-сони) ва «Қонуний иш ҳақи – муносиб пенсия гарови» («СБХ»нинг 12.05.2011 йилдаги 19 (875)-сони) материалларимизда фуқароларнинг пенсия таъминотида доир меъёрий ҳужжатлар шарҳланган ва уларга киритилган янгиликлар бобида тушунтиришлар берилган эди. Бундан ташқари, иккала газетада муштарийларнинг пенсияга оид саволлари бўйича тушунтиришлар мунтазам бериб борилади. Бироқ ўтган давр ичида илгари ҳеч кўзга ташланмаган қизиқ жиҳатлар юзага келди, чунки улар фақат янги талабларни амалга ошириш давомида ўзини кўрсатди. Ушбу муаммолар ўзига хос «ўтмишдан садолар»дир. Уларнинг мавжудлиги ҳақида ҳозир шахсий пенсия йиғмажилди учун ҳужжатларни йиғиётганлар ёки яқин орада ва келгусида қонуний дам олишга чиқишга ҳозирлик кўраётган кишиларнинг кўпчилиги билмаслиги мумкин.

6-бетда

Бизнинг маслаҳатлар

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТўҒРИСИДА ҲИСОБОТ (2-СОН ШАКЛ) ҚАНДАЙ ТўЛДИРИЛАДИ?

Маълумки, кўпчилик корхона ва ташкилотлар йиллик молиявий ҳисоботни топшириш вақтида уни тўлдириш юзасидан қийинчиликларга дуч келишади. Бизнинг фаолиятимизда ҳам ҳозирги кунда бу масалада тушунмовчиликлар юзага келди. Яъни биз томонимиздан йиллик молиявий ҳисоботнинг бухгалтерия баланси (1-сон шакл) тўлдирилган бўлса-да, молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг (2-сон шакл) айрим сатрларини тўлдиришда муаммо пайдо бўлди. Сиздан илтимосимиз – ушбу 2-сон шакл ҳисоботини тўлдириш бўйича тўлиқ тушунтириш берсангиз.

Нодир Салимов,
ХК бош бухгалтери.
Самарқанд вилояти.

4-бетда

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз.

Соат 10.00 дан 12.00 гача

Телефон:

уяли телефондан +99871
стационар телефондан 8371

200-00-59

Хизматлар бепул



2-бетда

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ

1-бетда лавозимига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Чунончи, кредит бюросининг ижро органи раҳбари лавозимига тавсия этилаётган номзодлар олий иқтисодий маълумотга, банк ёки молия соҳасида сўнгги 5 йиллик иш тажрибасига, шу жумладан, кредит амалиёти билан боғлиқ таркибий бўлинмада камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Мазкур лавозимга амалга оширган ҳаракатлари юридик шахсларнинг банкротлигига ёки молиявий аҳволи ёмонлашувиغا олиб келганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлган тақдирда, банкротликка учраган ёки молиявий аҳволи ёмонлашган банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, кредит бюрolari ва бошқа юридик шахсларнинг собиқ раҳбарлари, бошқарув ва кузатув кенгаши аъзолари ҳамда йирик иштирокчилари (устав капиталида ўн фоиз ва ундан кўп миқдорда овоз берувчи акциялар ёхуд улушларга эга бўлган шахслар), шунингдек ўзининг ишбилармонлик ва шахсий хатти-ҳаракатида нотўғри иш юритганлиги маълум бўлган шахслар тайинланиши мумкин эмас.

Номзоднинг малака талабларига мувофиқлиги Марказий банк томонидан ўтказиладиган суҳбат ва (ёки) тест синови орқали аниқланади.

2012 йил 29 январдан кучга кирди.

Марказий банк бошқаруvinинг қарори (АВ томонидан 19.01.2012 йилда 2316-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Кредит бюрolarидан ички аудит ўтказишга ва кредит бюрolarининг йиллик ҳисоботларига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга биноан, ҳар бир кредит бюроси ички аудит хизматини тузиши, тегишли Низомни ва ички аудит хизмати ходимлари ман-

саб йўриқномаларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши шарт.

Ички аудит ҳар чоракда, бош аудитор томонидан ишлаб чиқилган ва юқори бошқарув органи томонидан тегишли йилнинг 1 январига қадар тасдиқланган режага мувофиқ ўтказилади.

Кредит бюроси ҳар чоракда,



ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай Марказий банкка юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланган аудиторлик ҳисоботининг нусхасини тақдим этиши лозим.

Кредит бюросининг ўз фаолияти натижалари тўғрисидаги йиллик ҳисоботи эса ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майдан кечиктирмасдан оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак. У эълон қилингандан сўнг 3 кун ичида ушбу ҳисобот нусхаси Марказий банкка тақдим этилади.

2012 йил 29 январдан кучга кирди.

Марказий банк бошқаруvinинг қарори (АВ томонидан 23.01.2012 йилда 2318-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Кредит бюрolarининг техник ва дастурий воситаларига ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш бўйича қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ташқаридан беғоналарнинг киришини ва кредит ахбороти ўғир-

ланишининг олдини олиш учун сервер хоналари мустаҳкам деворлар, ишончли тўсиқлар ва панжаралар, махсус кодли мустаҳкам эшиклар, ташқи кузатувга қарши ҳимоя воситалари, ёнгин хавфсизлиги ва қўриқлаш сигнализациясига эга бўлиши керак. Тўлов тизими серверларини ташқи таъсирдан ҳимоялаш учун тармоқларо экранлар (Firewall) ҳамда ахборотни муҳофаза қилувчи лицензияланган техник ва дастурий воситалар ўрнатилиши керак.

Кредит бюросининг Марказий банк ва кредит ташкилотлари билан электрон ахборот алмашувини Ахборотлаштириш бош маркази билан тузилган шартнома асосида банк телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширилади. Фойдаланувчиларнинг тизимга киришида аутентификация қилиш 8 та белгидан кам бўлмаган логин ва пароль ёрдамида амалга оширилади. Бунда паролнинг амал қилиш муддати 1 ойдан ошмаслиги керак.

2012 йил 2 февралдан кучга кирди.

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБГА КИРИШ ҚОНДАЛАРИ

Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузур-

даги Давлат тест марказининг қарори (АВ томонидан 1.02.2012 йилда 2321-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги янги низом тасдиқланди.

Эндиликда ихтисослаштирилган синф ва ихтисослаштирилган умумтаълим муассасасининг 2-синфи учун ҳужжатлар 1-31 июль кунлари (олдин - 1 апрелдан 20 майгача) ҳамда 5-синфи учун ҳужжатлар 1-20 июль кунлари (олдин - 25 майдан 20 июнгача) қабул қилинади.

Ўқувчилар танлови 5-20 август кунлари оралиғида ўтказилади (олдин 2-синф учун - 5-20 июнь кунлари, 5-синф учун - 5-20 август кунлари ўтказилган).

2-синфга қабул қилиш учун энди қўшиб ҳисобланадиган ёзма (45 дақиқа) ва оғзаки (5 дақиқа) имтиҳонлар ўтказилади (олдин ўқувчилар 40 дақиқали тест синовидан ўтганлар). 5-синфга қабул қилиш учун 60 дақиқа давом этадиган тест синовлари сақланиб қолган.


Аввалгидек, имтиҳондан ўтиш балли белгиланган квотага му-

вофиқ ўқувчилар ўқув фанлари бўйича ва психологик-педагогик диагностиканинг ҳар бирдан тўплаши керак бўлган балларнинг 70 фоизини ташкил қилади.

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ҲИСОБОТ

Марказий банк бошқаруvinинг қарори (АВ томонидан 3.02.2012 йилдаги 2322-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Чунончи, баланс ҳисоботи, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, капиталдаги ўзгаришлар



ҳақидаги маълумотлар (Низомда белгиланган шаклларда) микрокредит ташкилотлари томонидан ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасигача микрокредит

Эълонлар

РЕАЛИЗАЦИЯ

«КАЛИНА» концернининг Ўзбекистондаги расмий дистрибьютори «Черный жемчуг», «Чистая линия», «Сто рецептов красоты», «Бархатные ручки» ва «Маленькая фея» туркумидаги совға тўпламларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича тақлиф этади*.
Тел. (+99890) 958-08-02.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудит. Бухгалтерия хизматлари*.
Тел.: 570-18-64.

БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ

Асосий фондлар, кўчмас мулк, автотранспорт, ускуналарни қайта баҳолаш*.
Тел.: (+99898) 365-33-60, (+99871) 245-75-47.

Баҳолаш ва бизнес-режалар*.
Тел. 430-56-00.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 448-74-69.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. - Кадастр*.
Тел. 448-74-69.

БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ

Ўз иш ҳажмларига эга бўлган божхона расмийлаштируви мутахассислари ва декларантлар керак.
Тел.: 109-26-11, 128-25-08.

*Хизматлар лицензияланган.

«ASTER» ХК - БЮДни расмийлаштириш, юрларни декларациялаш.
Тел.: 127-31-08, 233-23-27, 109-26-11.

ХИЗМАТЛАР

Корхона ва ташкилотларга иссиқ таом келтиришни ташкил этамиз. Тўлов - исталган шаклда.
Тел. (+99890) 185-05-98.

СЕРВИС МАРКАЗИ. Epson, HP, CANON рангли струяли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш, жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.

Компьютерлар, ташкилий техника, ноутбуклар кафолат билан. Тўлов - исталган шаклда.
Тел.: 126-20-17, 989-09-10, 215-61-11.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Микротўлқинли печлар, DVDни ТАЪМИРЛАШ. Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

СЕРВИС МАРКАЗИ: компьютерлар, принтерлар, мониторлар - таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 903-73-93.

ХАБАР

Шайхонтоҳур тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан хусусий тадбиркор Атаханов Бахтиёр Ирқиневичга 2005 йил 10 ноябрда берилган 6013-рақамли «Даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари» йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

МДҲ ВА БОЛТИКБҲҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	10.02.2012	1	0,7863	1	1,043	1	0,0264
Арманистон	10.02.2012	1	388,69	1	515,44	1	13,00
Беларусь	11.02.2012	1	8330,00	1	11040	1	279,00
Грузия	10.02.2012	1	1,6671	1	2,2129	1	5,617
Қозғистон	11.02.2012	1	148,37	1	196,92	1	4,97
Қирғизистон	11.02.2012	1	46,8895	1	62,2505	1	1,5686
Латвия	13.02.2012	1	0,53	1	0,702804	1	0,0177
Литва	13.02.2012	1	2,608	1	3,4528	10	8,7088
Молдова	10.02.2012	1	11,9611	1	15,8526	1	0,401
Тожикистон	11.02.2012	1	4,7587	1	6,3279	1	0,1598
Ўзбекистон	7.02.2012	1	1816,76	1	2392,72	1	60,08
Украина	10.02.2012	100	798,99	100	1061,6979	10	2,6921
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Жисмоний шахс кўчмас мулкни ижарага берганда...

1-3-бетлар

✓ БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот

(2-сон шакл) қандай тўлдирилади?

- Солиқ имтиёзлари бухгалтерия ҳисобида қандай расмийлаштирилади?

- Ҳунармандчилик бўйича яқка тартибдаги тадбиркор солиқ тўлайдими?

1, 4-5-бетлар

✓ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

- Бадаллар тўлаганингизни исботланг

- Пенсия ишдан бўшатиш учун важ сифатида

- Бола учун ± 3 йил

- Мақомга қараб ижтимоий ёрдам **1, 6-7-бетлар**

✓ ПАРДА ОРТИДАН

- Буюклик одмиликда

8-бет

ЭТАМИЗ

ташкilotи жойлашган ҳудуддаги Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига тақдим этилади ҳамда уларнинг электрон вариантларини Банк тизимининг маълумотлар базасига жўнатади. Агар ойнинг 5-санами дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, унда ҳисоботлар аввалги иш кунини да тақдим этилади.

Молиявий ҳисоботлар 3 нусхада тайёрланади, уларнинг 2 нусхаси бошқармага, 1 таси микрокредит ташкilotига тақдим этилади. Бошқарма ҳар ойнинг 7-кунидан кечиктирмасдан Марказий банкка молиявий ҳисоботларнинг 1 нусхасини тақдим этади.

Банк тизимининг маълумотлар базаси билан коммуникация алоқаси узилганда, микрокредит ташкilotининг техник воситаси ва дастурий таъминоти носоз ҳолатда бўлганда, форс-мажор ҳолатларида микрокредит ташкilotлари молиявий ҳисоботларнинг электрон маълумотларини юбормаслиги мумкин: бироқ улар мазкур ҳолатлар ҳақида Марказий банкни дарҳол хабардор этиши ҳамда улар юзага келган кундан бошлаб 5 кунлик муддат ичида бартараф этиши керак.

Микрокредит ташкilotларининг айрим молиявий операцияларни ўтказиши маълум муддатга тўхтатилганидан қатъи назар, улар томонидан молиявий ҳисоботлар ва улар бўйича электрон маълумотлар белгиланган муддатларда тақдим этилиши лозим.

2012 йил 13 февралдан кучга кирди.

БОЖСИЗ, БИРОҚ НКМ БИЛАН

Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 30.01.2012 йилда 1317-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритилди.

Низом Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.2011 йилдаги «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 306-сон қарорига бож олинмайдиган савдо дўконида фискал хотирага эга бўлган НКМни қўллаш қисмида мувофиқлаштирилган.

2012 йил 9 февралдан кучга кирди.

ЯГОНА КАССА ИЖРОСИДАГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

Марказий банк бошқаруви ва Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 1.02.2012 йилда 2320-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди.

Янги йўриқноманинг аввал амал қилган ҳужжатдан асосий фарқи барча даромадлар ягона газна ҳисобварағига киритилиши, шунингдек Давлат бюджетининг харажатлари шу ҳисобварақдан тўланишидан иборат. Олдин Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатларининг касса ижроси республика, Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий даражада амалга оширилган эди.

2012 йил 11 февралдан кучга кирди.

2012 йил 14 январдан 3 февралгача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини эксперт-юристаримиз Абдурахмон БАХТИЕВ ва Сардор ДЖУМАШОВ тайёрладилар.

ЖИСМОНИЙ ШАХС КЎЧМАС МУЛКНИ ИЖАРАГА БЕРГАНДА...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ММ/04-01-32-14/135-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
15/1-1670-сон

2012 йил 6 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1675-сон қарорига мувофиқ 2012 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган энг кам даромадини аниқлаш мақсадида уй-жойни ижарага берганлик учун ижара тўловининг энг кам миқдорлари жорий қилинмоқда.

Жисмоний шахсларнинг уй-жойни ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солиш ижара шартномасида белгиланган ижара ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда, бироқ уй-жойларини ижарага топширувчи жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1675-сон қарорининг 26-иловасига мувофиқ белгиланган ижара ҳақи ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган миқдорлардан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилади.

Ижара тўловининг энг кам ставкалари уй-жой жисмоний ёки юридик шахсга ижарага берилаётганидан қатъи назар уй-жойни ижарага берувчи барча жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасига биноан мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг белгиланган энг кам ставкаси бўйича солиқ солинади. 2012 йилда жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг энг кам ставкаси 9% миқдорида белгиланган.

Ижара шартномасида белгиланган уй-жойни ижарага топширганлик учун ижара тўлови суммаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сон қарорининг 26-иловасида белгиланган ижара тўлови ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган ижара тўлови миқдоридан кам бўлган тақдирда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи суммаси ижара тўловининг белгиланган энг кам ставкаларидан келиб чиқиб қўшимча ҳисобланади.

Ижара тўловининг белгиланган энг кам ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган сумма билан уй-жойни ижарага топширганлик учун ижара шартномасида белгиланган ижара тўлови суммаси ўртасидаги ижобий фарқ қўшимча ҳисоблаш ҳисобланади.

Жисмоний шахснинг уй-жойни ижарага беришдан олинган даромади суммаси ва қўшимча ҳисобланган суммага яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига уй-жой ижарага топширилган ойдан кей-

инги ойнинг 5-кунидан кечиктирмасдан тақдим этиладиган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги дастлабки декларация асосида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи солинади. Уй-жой юридик шахсга ижарага берилган ҳолда ижара бўйича даромадларга солиқ тўлов манбаида ижара шартномасида белгиланган ижара тўлови суммасидан келиб чиқиб, бироқ белгиланган энг кам ставкалардан оз бўлмаган миқдорда солинади.

Агар даромад тўлаш манбаи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқ агенти бўлиб ҳисобланмаса, у ҳолда жисмоний шахс яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига жами йиллик даромади тўғрисидаги дастлабки декларацияни мустақил равишда топшириши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 603-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 86-моддасига мувофиқ фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Бунда уй-жойни ижарага бериш шартномаларини нотариал тасдиқлаш фақат жисмоний шахслар ўртасида тузилган шартномаларгагина тааллуқлидир. Тарафларнинг бири жисмоний шахс бўлмаган шартномалар ихтиёрий асосда нотариал тасдиқланишлари мумкин.

Фуқаролар ўртасида уй-жойни ижарага бериш шартномасининг бўлмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 159-моддасига мувофиқ энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиғига сабаб бўлади.

Шу билан бирга маълум қиламизки, жисмоний шахслар томонидан нотурар жойлар ижарага берилганда (юридик ва жисмоний шахсларга) мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга солиқ солиш шартномада белгиланган ижара тўловидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Жисмоний шахс нотурар жойни жисмоний шахсга ижарага берганда ижара шартномаси нотариал тасдиқланиши шарт. Жисмоний шахс нотурар жойни юридик шахсга ижарага берганда ижара шартномаси нотариал равишда ихтиёрий асосда тасдиқланади.

Жисмоний шахснинг нотурар жойларни юридик шахсларга ижарага беришдан олинган даромадлари суммасига жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўлов манбаида, нотурар жойлар жисмоний шахсларга ижарага берилганда эса – яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига нотурар жой ижарага топширилган

ойдан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмасдан тақдим этиладиган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги дастлабки декларация асосида солинади.

Даромадни тўлаш манбаи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқ агенти бўлмаган тақдирда жисмоний шахс яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига жами йиллик даромади тўғрисидаги дастлабки декларацияни мустақил равишда тақдим этиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига биноан жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк – нотурар жой фондини реализация қилишдан олинган даромадларга жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг энг кам ставкаси бўйича солиқ солинади.

Шунингдек кўчмас мулк – турар жой фонди кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида икки мартадан ортиқ реализация қилишдан олинган даромадларга ҳам солиқ солинади. Ўн икки ойлик давр кўчмас мулк – турар жой фонди биринчи марта реализация қилинган санадан бошлаб ҳисобланади. Кўчмас мулк – турар жой фонди ўн икки ойлик давр ичида учинчи ва кейинги бор реализация қилинганда солиқ солиниши керак бўлган даромадлар олдинги икки кўчмас мулк – турар жой фонди объектларини реализация қилишни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Кўчмас мулк объектлари – у турар жой бўлса ҳам, нотурар жой бўлса ҳам – реализация қилинишидан олинган даромад деб сотиб олиш нархи билан реализация қилиш нархи ўртасидаги фарқ, сотиб олиш нархи бўлмаган тақдирда эса – инвентаризация қиймати билан реализация нархи ўртасидаги фарқ эътироф этилади.

Кўчмас мулк объектлари – у турар жой бўлса ҳам, нотурар жой фонди бўлса ҳам – реализация қилинишидан олинган даромадларга солиқ жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг энг кам ставкаси бўйича солинади.

Агар кўчмас мулк объекти – нотурар жой фонди юридик шахс томонидан харид қилинса, даромадларга солиқ тўлов манбаида солинади, кўчмас мулк объекти – нотурар жой фонди жисмоний шахсларга реализация қилинганда эса – яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига реализация амалга оширилган йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан тақдим этиладиган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация асосида солинади.

Кўчмас мулк – турар жой фондини реализация қилишдан олинган даромадларга солиқ фақат жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосидагина солинади.

Молия вазири ўринбосари
М.МИРЗАЕВ.

Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари
О.РУСТАМОВ.

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ (2-СОН ШАКЛ) ҚАНДАЙ ТЎЛДИРИЛАДИ?

1-бетда – Маълумки, молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботни (2-сон шакл) тўлдириш тартиби **Молиявий ҳисобот шакллари**ни тўлдириш бўйича қондалар (АВ томонидан 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган) асосида амалга оширилади.

Сизнинг амалиётингизда бу ҳисобот шаклини тўлдириш бўйича тушунмовчиликлар юзага келган бўлса, бугун сизнинг ихтиёрингизга унинг ҳар бир сатрини тўлдириш юзасидан тўлиқ маълумот берамиз.

Шундай қилиб, «Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум» моддасида **(010-сатр)** маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган тушум кўрсатилади, бунда солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари чегирлади.

010-сатр асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари **(9000)** маълумотлари бўйича тўлдирилади. Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланган корхоналар бу сатрда жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган даромад суммаси, воситачи корхоналар томонидан комиссия ҳақлар суммасини акс эттиридилар.

«Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи» моддасида **(020-сатр)** сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини ҳисобга олиш ҳисобварақларида **(9100)** ҳисобга олинган, сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархининг суммаси кўрсатилади. Савдо корхоналари ушбу сатрда сотилган товарларнинг харид қийматини акс эттиридилар.

«Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)» **(030-сатр)** маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум билан сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқ (010-сатр - 020-сатр) сифатида аниқланади.

«Давр харажатлари, жами» моддасида **(040-сатр)** 050, 060, 070, 080-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

«Реализация харажатлари» моддасида **(050-сатр)** 9410-«Реализация харажатлари» ҳисобварағида юритиладиган: маҳсулотни реализация қилиш харажатлари, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиш, транспорт воситаларига ортиш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг билан шуғулланадиган бўлимлар ва ходимларнинг харажатлари ва ҳоказолар акс эттирилади.

«Маъмурий харажатлар» моддасида **(060-сатр)** 9420-«Маъмурий харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган: корхона бошқариш харажатлари, бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги хо-

наларнинг ижара ҳақи ва бошқа маъмурий харажатлар акс эттирилади.

«Бошқа операцион харажатлар» моддасида **(070-сатр)** 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган: кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборий, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари, компенсациялайдиган ва рағбатлантирадиган хусусиятдаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, банк ва депозитарий хизматларига ҳақ, зарарлар, жарималар, пенялар ва операцион фаолият жараёнида юзага келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият билан боғланмаган ва харажатларнинг фавқулодда моддалари сифатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади.

«Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» моддасида **(080-сатр)** Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низомнинг *(ВМнинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган)* 2.4-бўлимида келтирилган, келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари акс эттирилади ва **9440**-«Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» ҳисобварағида умумлаштирилган ҳисоб маълумотлари бўйича тўлдирилади.

«Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар» моддасида **(090-сатр)** асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида **(9300)** юритиладиган: асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда, ундирилган жарима ва пенялар, ўтган йиллар фойдаси, қисқа муддатли ижарадан даромадлар, кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари, текин молиявий ёрдам ва бошқа операцион даромадлар кўрсатилади.

«Асосий фаолиятдан фойда (зарар)» моддасида **(100-сатр)** корхона асосий фаолиятининг молиявий натижалари кўрсатилади, улар маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)дан **(030-сатр)** давр харажатлари суммасини **(040-сатр)** айириш ҳамда асосий фаолиятдан бошқа даромадлар суммасини **(090-сатр)** қўшиш йўли билан аниқланади.

«Молиявий фаолиятдан даромадлар, жами» моддасида **(110-сатр)** 120, 130, 140, 150, 160-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

«Дивидендлар кўринишида даромадлар» моддасида **(120-сатр)** 9520-«Дивидендлар кўринишида даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар, корхона эгалигида бўлган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар акс эттирилади.

«Фоизлар кўринишида даромадлар» моддасида **(130-сатр)** 9530-«Фоизлар кўринишида даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган, узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишидаги даромадлар кўрсатилади.

Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланмаган корхоналар «Узоқ муддатли ижарадан даромадлар (лизинг)» моддасида **(140-сатр)**, 9550-«Узоқ муддатли ижарадан даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган, мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) беришдан олинган даромадлар акс эттирилади.

«Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар» моддасида **(150-сатр)** 9540-«Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган, шу жумладан балансни тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан, валюта операциялари бўйича мусбат курслардаги фарқлардан даромадлар акс эттирилади.

«Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар» моддасида **(160-сатр)** 9510-«Роялти кўринишида даромадлар», 9560-«Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар», 9590-«Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар» ҳисобварақларида юритиладиган: қимматли қоғозларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар, роялти кўринишида даромадлар ва молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар кўрсатилади.

«Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами» моддасида **(170-сатр)** 180, 190, 200, 210-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

«Фоизлар кўринишида харажатлар» моддасида **(180-сатр)** 9610-«Фоизлар кўринишида харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган, банклар кредитлари ва қарзлар бўйича фоизларни тўлаш харажатлари кўрсатилади.

«Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишида харажатлар» моддасида **(190-сатр)** 9610-«Фоизлар кўринишида харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган, узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари акс эттирилади.

«Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар» моддасида **(200-сатр)** 9620-«Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар» ҳисобварағида юритиладиган, валюта операциялари бўйича ва баланс тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан манфий курслардаги фарқлар акс эттирилади.

«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» моддасида **(210-сатр)** 9630-«Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари» ва 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» ҳисобварақларида юритиладиган, қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар акс эттирилади.

«Умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар)» моддасида **(220-сатр)** корхонанинг умумхўжалик фаолиятига доир, асосий фаолиятдан фойда (зарар) сум-

масига **(100-сатр)** молиявий фаолиятдан даромадлар суммасини **(110-сатр)** қўшиш ва молиявий фаолият бўйича харажатлар суммасини **(170-сатр)** айириш йўли билан белгиланадиган молиявий натижалар кўрсатилади.

«Фавқулодда фойда ва зарарлар» моддасида **(230-сатр)** фавқулодда воқеалар натижалари кўрсатилади, «Даромадлар (фойда)» устуни **9710**-«Фавқулодда фойдалар» ҳисобварағининг маълумотлари, «Харажатлар (зарарлар)» устуни эса **9720**-«Фавқулодда зарарлар» ҳисобварағининг маълумотлари бўйича тўлдирилади.

«Даромад (фойда) солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)» моддасида **(240-сатр)** +/- белгисини ҳисобга олган ҳолда 220 ва 230-сатрларни қўшиш натижалари акс эттирилади. Ушбу сатр натижаси даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоб учун асос бўлиб хизмат қилади.

«Даромад (фойда) солиғи» моддасида **(250-сатр)** даври бошидан ҳисоблаб ёзилган, **9810**-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган сумма кўрсатилади. «Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар» моддасида **(260-сатр)** йил бошидан ҳисоблаб ёзилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона ўз фойдасидан тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар суммаси акс эттирилади.

Улар учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солишнинг махсус тартиби назарда тутилган корхоналар 260-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ суммасини акс эттиридилар.

«Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)» моддасида **(270-сатр)** ҳисобот даврининг пировард молиявий натижаси кўрсатилади.

«Бюджетга тўловлар бўйича маълумотнома»да **(280-470-сатрлар)** корхоналар томонидан солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган солиқлар ва тўловлар турлари бўйича бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар кўрсатилади. Мазкур маълумотномада **440-сатр** бўйича корхоналар томонидан ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган бюджетга тўловларнинг якуний суммаси кўрсатилади. Мазкур маълумотноманинг **480-сатрида** корхоналар томонидан ҳисобот даври учун бюджетга солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг ҳисобланган ва тўланган жами суммаси кўрсатилади.

Агар корхоналарда ҳисобот даври учун ҳисоб-китоблар бўйича қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибга мувофиқ қўшилган қиймат солиғи бўйича манфий фарқ мавжуд бўлса, «Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади» устуни бўйича **310-сатрда** ушбу манфий фарқ суммаси «минус» белги билан кўрсатилади.

**Жавобни экспертимиэ
Ғулумжон ТЎЛАГАНОВ
тайёрлади.**

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?

Фаолиятимиз давомида юзага келган айрим тушунмовчиликларни бартараф этишда ёрдам беришингизни сўраймиз. Хусусан, юридик шахс сифатида солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш қоидалари ҳамда бу масалаларни тартибга соладиган меъёрий ҳужжатлар ҳақида тушунтириш берсангиз.

**Суннатилла Жўраев,
корхона бухгалтери.
Фарғона вилояти.**

– Сиз айтган масалалар Юридик шахслар томонидан бюджетга тўланадиган солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомда (АВ томонидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгилаб берилган.

Мазкур Низомнинг амал қилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва божхона имтиёзлари берилган, мулкчилик шаклидан, фаолият туридан, идоравий мансублигидан қатъи назар, республика ҳудудидаги барча бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларга тааллуқлидир.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, хўжалик юритувчи субъектларга бу борадаги имтиёзлар бўшаётган маблағларни мақсадли вазибаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан ёки уларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган ҳолда берилади.

Хусусан, бўшаётган маблағларни **мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган** солиқлар ва божхона имтиёзлари берилганда бюджетга тўланадиган солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлар маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳамда бошқа хил мол-мулкнинг сотиш (харид) қийматидаги ҳисоблаб ёзилмайди ва киритилмайди.

Имтиёзлар бўшаётган маблағларни **мақсадли вазибаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан** берилганда солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга ҳисоблаб ёзиш қонун ҳужжатларига мувофиқ умумбелгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда солиқ имтиёзлари берилган, бюджетга ҳисобланган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисобкитоблар, тўловчи рўйхатга олинган жойдаги солиқ органларига белгиланган шакллар ва муддатларга мувофиқ тақдим этилади. Маҳсулот (товар, ишлар, хизматлар) ва бошқа активлар реализация қилинаётганда солиқ солинадиган айланмага ҳисобланган ҚҚС (ҚҚС тўловчилар учун) ва акциз солиғи (акцизли товарлар (маҳсулотлар) сотилганда) суммаси ажратилган ҳолда ҳисобварақ-фактура ёзилади.

Бўшаётган маблағларни мақсадли вазибаларни бажаришга йўналтириш шар-

ти билан солиқ ва божхона имтиёзлари берилганда ҳисоблаб ёзилган божхона тўловлари, солиқлар (мазкур солиқ тўловчилари учун ҚҚС, шунингдек қонунга мувофиқ ҳисобга қабул қилинадиган акциз солиғидан ташқари) ва бюджетга мажбурий тўловлар қонун ҳужжатларига мувофиқ умумбелгиланган тартибда маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳамда бошқа хил мол-мулкнинг сотиш (харид) қийматида киритилади.

ҚҚС тўловчиси ҳисобланган ва ҚҚС бўйича имтиёзга эга бўлган корхоналар харид қилинадиган (шу жумладан импорт қилинадиган) товар-моддий захиралар (товарлар) бўйича ҚҚС суммасини харид қийматида киритмайдилар, балки умумбелгиланган тартибда бюджетга тўланадиган ҚҚСни белгилашда ҳисобга киритадилар.

Ўз эҳтиёжлари учун ишлатиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисобда харид қилиш қиймати бўйича, бунга ҚҚС ва акциз солиғи суммаси киритилади, акс эттирилади.

Акциз солиғи бўйича имтиёз берилмаётганда қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобга қабул қилинадиган акциз солиғи тўловчилари ҳисобланган корхоналар харид қилинган (шу жумладан импорт қилинаётган) товар-моддий захиралар (товарлар) бўйича акциз солиғи суммасини уларнинг харид қийматида киритмайдилар, балки умумбелгиланган тартибда бюджетга тўланадиган акциз солиғини аниқлаш чоғида ҳисобга киритадилар.

Солиқ ва божхона имтиёзлари миқдори белгиланган тартибда бюджетга ҳисоблаб ёзилган солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Мақсадли вазибаларни бажаришга йўналтириш кўзда тутилган имтиёзларнинг бухгалтерия ҳисоби 8840-«Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари» ҳисобварағида, берилган солиқлар ва божхона имтиёзларининг турлари бўйича юритилади.

Солиқлар ва божхона имтиёзларини ҳисоблаб ёзаётганда батафсил ҳисобга олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларининг иш режасида қуйидаги ҳисобварақлар очилади:

а) бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга

олиш ҳисобварақлари (4400) гуруҳида «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари – солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

б) бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6400) гуруҳида «Бюджетга тўловлар бўйича қарз – солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

в) суғурта бўйича ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6500) гуруҳида «Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар – солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи;

г) турли кредиторлардан қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (6900) гуруҳида «Импорт чоғида ҚҚС ва акцизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» ҳисобварағи.

8840-«Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари» ҳисобварағида ҳисобга олинмаган, солиқлар ва божхона имтиёзларини бериш натижасида бўшаган маблағлар суммалари қуйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:

а) асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий бойликларни харид қилишга, кредит ва қарзларни сўндиришга, асосий воситаларни реконструкция қилиш ва замонавийлаштиришга йўналтирилганда, агар имтиёзли давр кўрсатилган бўлса – муддатларнинг энг ками бўйича: имтиёзли давр ёки ҳақиқатда ишлатиш тугаганда, имтиёзли давр кўрсатилмаган ҳолларда эса – ҳар йили:

8840-«Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари» ҳисобварағи дебети;

8530-«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобварағи кредити, бунда «Солиқлар ва божхона имтиёзлари» ҳисобварағи ажратилади;

б) жорий мажбуриятларнинг ҳосил бўлишига (масалан: иш ҳақининг ҳисоблаб ёзилиши, ижара, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар ва ҳоказо) олиб келадиган жорий харажатларни қоплашга йўналтирилганда:

8840-«Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари» ҳисобварағи дебети;

6010-«Ўтказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар» ёки 6120-«Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган ҳисобварақлар» ёхуд 6710-«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ёки турли кредиторлардан қарзни ҳисобга олиш ҳисобварағи (6900) кредити ёхуд бошқа тегишли ҳисобварақлар.

Шунингдек, солиқлар ва божхона имтиёзлари берилганда бўшаётган маблағлар суммалари, агар улардан мақсадли фойдаланиш назарда тутилмаган бўлса, бух-

галтерия ҳисобининг банк ҳисобварақларида акс эттирилмайди ва шу муносабат билан Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (2-сон шакл) акс эттирилмайди ва, тегишлича, молиявий натижаларни шакллантиришга таъсир қилмайди.

Вақтинчалик солиқлар ва божхона имтиёзлари чоғида бўшаётган маблағларнинг лозим даражадаги бухгалтерия ҳисобини таъминлаш мақсадида, агар уларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган бўлса, бюджетга тўланадиган ҳар бир солиқ тури, божхона ва мажбурий тўловлар бўйича «Вақтинчалик солиқлар ва божхона имтиёзлари» алоҳида балансдан ташқари ҳисобварақлари очилади.

Бюджетга тўланадиган ҳар бир солиқ тури, божхона ва мажбурий тўловлар бўйича ҳисоблаб ёзилган, бўшаган маблағлар суммаси умумбелгиланган тартибда мазкур ҳисобварақлар дебети бўйича акс эттирилади.

Имтиёз берилган давр тугаганидан сўнг «Вақтинчалик солиқлар ва божхона имтиёзлари» балансдан ташқари ҳисобварақлари дебетида ҳисобга олинмаган бўшаган маблағлар суммаси ушбу ҳисобварақлар кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Доимий солиқлар ва божхона имтиёзлари чоғида бўшаётган маблағлар, агар уларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган бўлса, бюджетга тўланадиган ҳар бир солиқ тури, божхона ва мажбурий тўлов бўйича молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида очиб берилади.

Шу билан бирга, солиқлар ва божхона имтиёзлари берилиши натижасида бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланганлигини тасдиқлаш учун хўжалик юритувчи субъектлар ҳар йили йиллик молиявий ҳисоботга қўшиб давлат солиқ хизмати органларига юқоридаги Низомга 1-сон иловага биноан шаклда улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоб-китобни тақдим қиладилар.

Маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаганлиги ҳамда солиқлар ва божхона имтиёзлари натижасида бўшаган маблағлар ҳисобига харид қилинган активларнинг имтиёзли давр тугашига қадар бошқаларга берилиши (сотилиши) далиллари аниқланганда ушбу маблағлар жарима жазосини қўллаб, қонунга мувофиқ пеня ҳисобга олинган ҳолда бюджетга ундирилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобкитоблар тўғри бўлиши ва ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Ҳисоб-китоблар тақдим этилмаган ёки ўз вақтида тақдим этилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий жазо қўлланишини унутмаслик керак.

ХУНАРМАНДЧИЛИК БҲЙИЧА ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР СОЛИҚ ТўЛАЙДИМИ?

Биз газетангизнинг доимий ўқувчиларимиз, ундан керакли ахборот ва маслаҳатларни олиб келмоқдамиз. Шунинг учун тахририятингизга ўз миннатдорчилигимизни билдириб, қуйидаги саволимизга жавоб беришингизни илтимос қиламиз.

Бизга маълум бўлишича, қонунчиликка кўра, уй шароитида халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилган эди. Бугунги кунда ушбу фаолият бўйича солиқ имтиёзлари мавжудми, агар мавжуд бўлса, у қайси меъёрий ҳужжат билан белгиланган?

**Авазбек Тўхтамов,
«Коммунар-2003» МЧЖ директори.
Андижон вилояти.**

– Ҳақиқатан ҳам, халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантириш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатламларини жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида, Президентнинг 2008 йил 1 апрелдаги ПФ-3983-сон Фармони қабул қилинган. Унга асосан Президентнинг «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 28 мартдаги ПФ-3588-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ

уй шароитида халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 2010 йилнинг 1 апрелигача озод этилган эди.

Шуни қайд этиш лозимки, мазкур назарда тутилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати «Хунарманд» уюшмаси аъзолари – якка тартибдаги тадбиркорлар учун Президентнинг 2010 йил 30 мартдаги ПФ-4210-сон Фармонига мувофиқ 2014 йил 1 январгача узайтирилган.

1-бетда ЎЗГАРТИРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Пенсия қонунчилиги соҳасида юз бераётган ҳолатларни тушуниш, ундаги янгиликларни ва уларнинг мамлакатдаги ижтимоий таъминот тизимига таъсирини баҳолаш учун умуман пенсия тарихини янгилаш нима учун керак бўлганлигини англаб етиш керак.

Ислохотлардан аввалги мавжуд пенсия тизими бозор иқтисодиётининг реалликларини тўлиқ даражада акс эттирмай қолган эди. Пенсия жамғармасига бадал тўловчиларнинг жавобгарлиги ошишига хизмат қиладиган киритилган ўзгартиришлар ушбу камчиликларни барҳам топтиради. Агар авваллари иш берувчиларнинг тўловлари эътибор марказида бўлган бўлса, энди ходимлар ва уларнинг пенсия «хазинаси»га шахсий ҳиссаларининг роли сезиларли ўсди. Амалдаги меъёрий ҳужжатларга киритилган аниқ тузатишлар ортида фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини тўлақонли ислоҳ қилиш томон қадамлар ташланганлиги кўринадди. Ушбу ўзгартиришлардан мақсад дунёнинг кўп мамлакатларида бозор шароитида пенсия таъминотининг амалдаги моделлари қўлланадиган пенсия тизимини шакллантириш ғояларини мужассамлаштиришдир.

Мавжуд пенсия тизимларини модернизациялаш муаммоси – дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг, улар жумласига Ўзбекистон ҳам қиради, ижтимоий сиёсат соҳасидаги муҳим муаммолардан биридир. Кексаларнинг пенсия таъминоти қиймати барқарор равишда ошиб бораётганлиги ҳамда пенсия тизимларига хос бўлган институционал «эскириш» ўзгартиришлар киритишни тақозо этади. Бу уларнинг кўпчилиги ярим асрдан кўп вақт аввал шаклланганлиги ва ўша пайтда иқтисодий ҳамда ижтимоий шарт-шароитлар ҳисобга олинганлиги билан изоҳланади. Ўша вақтдан бери юз берган иқтисодий ва меҳнат муносабатлари моделининг, шунингдек жамиятдаги ёш таркибининг сифат ўзгаришлари пенсия тизимларининг айрим механизмларини шунчаки алиштиришни эмас, балки улар фаолиятининг базавий асосларини қайта кўриб чиқишни ҳам талаб қилади.

БОШҚАЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИ

АҚШда давлат ва пенсионерлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги тизими қизиқарли, у 1935 йилда ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун қабул қилинган пайдо бўлган. Қонунга кўра федерал бюджет ходимларнинг пенсия суғуртасини ўз

лар, аҳолининг қариши билан боғлиқ демографик муаммолар уларнинг пенсия жамғармаларида ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун ўз маблағлари етмай қолишига олиб келди. Давлат бюджетларидан трансферлар ресурслардаги тақчилликни қоплади, бироқ муаммо узлуксиз тус олди, welfare state даврининг

тайлик, 5 млн сўм бадал тўлаган, бироқ давлатга 10 млн сўмга тушадиган пенсия олишга даъво қиладиган вазият юз бериши мумкин. Натижада жуда катта номутаносиблик ҳосил бўлади, ғояга кўра, уни контрибутив тизим бартараф этиши керак.

Молия бўлиmlарининг тафтишчилари пенсияларнинг тўғри



ТўЛАГАНИНГИЗНИ ИСБОТЛАНГ

зиммасига олган. Ушбу ҳужжатда муҳим таъкид мавжуд, унга кўра пенсиялар ходимларнинг ва иш берувчиларнинг бадаллари ҳисобига молиялаштирилади, ҳар бир ходимнинг пенсия миқдори эса унинг бадаллари суммасига боғлиқ. Бундай ўзини ўзи молиялашда Давлат бюджети ортиқча залворли харажатлардан халос бўлган, пенсионерлар эса давлат қарамоғида деб ҳисобланмаган. Кейинчалик қонунга яна бир неча тузатишлар киритилди, натижада шундай тизим шаклландики, бунда пенсиялар инфляция суръатларига қараб доимо ошиб борган ва индексацияланган, давлат эса, фуқаролар ва уларнинг иш берувчилари қанча бадал тўлаганлигидан қатъи назар, ушбу ўсиб борувчи пенсиялар тўланишини кафолатлаш расмий мажбуриятини ўз зиммасига олган. Ушбу тизим welfare state номини олди, уни аввал Фарбий Европа мамлакатлари ўзлаштирдилар, сўнгра эса турли кўринишларда дунё бўйлаб «сафар» қила бошлади.

Индустриал мамлакатларда вақти-вақти билан юзага келадиган иқтисодий бесаранжомлик-

туганлиги ва туб чоралар кўриш зарурлиги тўғрисида гап-сўзлар кўпайди. Январь ойининг бошларида дунёдаги ОАВлар Еврокомиссия (Европа Иттифоқининг ижрочи органи) ҳозир Европада пенсия тизимини тубдан ўзгартириш лойиҳасини тайёрлаётганлигини хабар қилди. Режада барча мамлакатларда пенсия ёшини 75 ёшга ошириш ёки уни умуман бекор қилиш кўзланган.

АМАЛИЁТНИНГ КўРСАТИШИЧА...

Бизда вазият бир қадар бошқача. Мамлакатимизда аввалги ислохотдан олдинги ижтимоий-иқтисодий конструкциядаги пенсия тизими мерос бўлиб қолди, унда давлат ва иш берувчи битта шахс бўлиб, ходимларнинг иш ҳақидан Пенсия жамғармасига бадаллар эса пенсиянинг миқдори учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди. Бугунги кунда ҳам аввалгидек фуқаролар пенсияга чиқиш арафасида кейинги 10 йиллик иш учун иш ҳақининг миқдори ва умумий меҳнат стажига эътибор берадилар. Буни фикрлашдаги сусткашликка йўйиб бўлмайди.

Пенсия қонунчилигидаги ўтган йилги ўзгартиришлар ретрибутив пенсия тизимидан кечиш ва контрибутив тизимга ўтиш бошланганлигини кўрсатади дейиш мумкин. Яъни киши пенсияни пенсия бадаллари тўланган ҳажмда олиши керак. Ҳозир пенсияга чиқиш арафасидаги охириги 10 йилдан 5 йил учун иш ҳақининг ўртача суммасидан келиб чиқиб пенсия ҳисобланади. Бундай қизма бўйича ҳисоблаганда киши 25 йиллик стаж мобайнида, ай-

тайинланганлиги ва белгиланган миқдорлари тўғрилиги бобидан текширишни давом эттиряптилар. Навоий вилоят пенсия бошқармасининг маълумотларига кўра, ўтган йили деярли 200 млн сўм миқдорида ортиқча тўловлар ва нотўғри тайинланган пенсиялар аниқланган. Ижтимоий таъминотнинг маҳаллий бўлиmlарига қақриладиган ва ортиқча тўланган пенсия суммаларини қайтариш зарурлиги тўғрисида хабардор қилинган пенсионерлар учун бундай янгиликлар қувонч уйғотмаслиги тайин. «Анча кенг тарқалган ҳолатни келтирмоқчиман, – деб изоҳлайди Навоий вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг бўлим бошлиғи Одил Эргашев. – Фуқаро М.Ф. бир корхонада 20 йил ишлаган. 54 ёшда пенсияга чиққан. Умумий меҳнат стаж жойида, бироқ унинг пенсия ишини ўрганиш давомида 20 йил ичида у 4 марта декрет таътилига чиққани ва ушбу даврларда, табиийки, Пенсия жамғармасига бадаллар тўламагани аниқланди. Унинг пенсиясини камайтириб қайта ҳисоб-китоб қилишга тўғри келди».

Бироқ, амалиётнинг кўрсатишича, бўлғуси пенсионерлар нафақат меҳнат фаолиятининг ва Пенсия жамғармасига бадаллар тўлашнинг вақт чегарасини ҳисобга олиш тўғрисида ташвишликлар, балки ишлаб, бадаллар тўлаганликларни ҳақида ишбот-далилларни йиғишлари ҳам керак бўлиб чиқмоқда. Навоийлик Г.М. тўқнаш келган вазият, эҳтимол, кўп учрамас, бироқ у 2 ойдан буён меҳнат дафтарчасидаги 1980 йиллар ўртасида ишлаган-

лиги тўғрисидаги ёзувни тасдиқлайдиган ҳужжатларни излаш билан банд. Архивлар бўйлаб сафарларида ўзи учун баъзи кутилмаган кашфиётлар ҳам қилди. Масалан, архивдан уни ишдан бўшатиш далилини тасдиқлайдиган қоғоз топилди, бироқ уни ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ топилмади. Шунингдек архив ходимлари корхонанинг бухгалтерия ҳужжатларини топа олмадилар. Бинобарин, кишининг меҳнат қилганлиги ва иш ҳақидан мажбурий тўловлар ушлаганлигини исботлашнинг имкони йўқ. Энди аёл нима қилишни билмаяпти, ишдан бўшатиш тўғрисида биттагина буйруқнинг мавжудлиги тўғрисида архив маълумотномаси кутилмаганда йўқолиб қолган 3 йиллик меҳнат стажини тасдиқлаш учун етарли бўлишига кўзи етмаяпти.

Ўнлаб, балки юзлаб кишилар, ўзлари кутмаган ҳолда, худди шундай ҳолатга тушиб қолиши мумкин. Ўтган йили Навоийнинг ўзидагина 200 га яқин кичик бизнес корхонаси тугатилиш таомилдан ўтди, вилоят архивига эса ўз фаолиятини тугатган атиги 25 юридик шахс ҳужжатларни топширди. Тўғри, вилоят марказида шаҳар архиви ҳам бор, бироқ вазиятдан хабардор бўлган вилоят архивининг мудир Фотима Ҳакимованинг айтишича, у ердаги ишлар аҳволи яхши эмас.

«Архив иши тўғрисида»ги Қонунга кўра корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар шахсий таркиб тўғрисидаги ҳужжатлар ва хўжалик юритиш дафтарларини идоравий архивда 75 йил мобайнида сақлашлари шарт. Бироқ ушбу талабларга риоя этиш устидан назорат қилиш механизми назарда тутилмаган ёки амал қилмайди.

Нима учун пенсияга чиқишга тайёрланаётган киши маълумотномалар тўплаши ва ишлаганлиги ҳамда Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаганлигини исботлаши кераклиги унчалик тушунарли эмас. Унда меҳнат дафтарчаси бор, дафтарчада меҳнатига доир таржимаи ҳолининг барча босқичлари акс этган. Агар ушбу ҳужжатдаги ёзувлар сохта бўлса, у жиноий тус олади. Меҳнат дафтарчасидаги маълумотларнинг тўғрилиги архивларда тасдиғини топмагунча инобатга олинмайди, унинг эгасига эса ишонч йўқ дейиш мумкинми?

Албатта, 55 ёки 60 ёшда идора-идора юриш учун сабаблар етарли. Фақат ҳозир 25–30 ёшга кирган, таълим олиш, мансаб, моддий неъматлар тўғрисидагина фикрловчи ёшларни қандай қилиб кексалик куни тўғрисида ҳам қайғуриш пайти келганлигига ишонтириш мумкин?

АМИР МАҲМУДОВ, бизнинг мухбиримиз. Навоий шахри.

Реклама

Эксперт маълумотнома тизими NORMA ПЕНСИЯЛАР, НАҒАҚАЛАР, ИМТИЁЗЛАР
● Пенсиялар тайинлаш ва тўлаш, шу жумладан айрим тоифадаги ходимларнинг пенсия таъминоти хусусиятлари.
● Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти механизмлари.
● Болалар учун нафақалар, имконияти чекланган шахслар, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, кам таъминланган оилаларга нафақалар ва имтиёзлар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш ва тўлаш тартиби.
● Энг кўп бериладиган саволларга жавоблар.
● Пенсия ва нафақаларни ҳисоблашга мисоллар.
● Ижтимоий таъминотга доир меъёрий ҳужжатлар ва тушунтиришлар.
Харид қилиш учун манзил: Тошкент ш., Миробод тўли., Таялмаржон кўч., 1/1, 6-қават. Тел.: (998 71) 283-23-74. E-mail: info@norma.uz, web: norma.uz

ПЕНСИЯ ИШДАН БЎШАТИШ УЧУН ВАЖ СИФАТИДА

2011 йил 1 январдан бошлаб иш бевчи ўзининг ташаббуси билан ходим пенсия ёшига тўлганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ (Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-банди, бундан кейин – МК) ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам бекор қилиш ҳуқуқини олди¹.

Бироқ ушбу ҳуқуқдан 2 ҳолат мавжуд бўлгандагина фойдаланиш мумкин: ходим пенсия ёшига етиши (эркаклар – 60 ёшда, аёллар – 55 ёшда) ва ёшга доир пенсия тайинлаш учун зарур меҳнат стажига (эркаклар учун – камида 25 йил, аёллар учун – камида 20 йил) эга бўлиши керак. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан берган розилигисиз, агар бундай розилик олиш жамоа битими ёки жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса, йўл қўйилмайди.

Ходим билан меҳнат шартномаси МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-банди билан белгиланган асосга кўра бекор қилинганда, унга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади (МКнинг 109-моддаси).

Ушбу асосга кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш аниқ-равшан тартибга солинган бўлса-да, амалиётда саволлар юзага келади.

Масалан, II гуруҳ ногирони, ногиронлик бўйича пенсия оладиган 56 яшар эркак билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш мумкинми?

Қонун ҳужжатларидан бунга тамомила аниқ жавоб оласиз: **ногиронлик бўйича пенсия оладиган ходимлар билан меҳнат шартномасини МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандига биноан улар 60 ёшга (эркаклар учун) ва 55 ёшга (аёллар учун) етгунича ҳамда уларда қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаса («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг² 7-моддаси), бекор қилиб бўлмайди.**

Ҳаётда қимматли, ўрнини босиш қийин бўлган ходимлар билан қандай йўл тутмоқ керак? Уларда стаж ҳам, тажриба ҳам катта, пенсия ёшига эса тўлиб бўлган...

Ҳеч ким иш берувчини ушбу ходимлар билан меҳнат муносабатларини бекор қилишга мажбур этмайди. Агар пенсионерлар виждонан, бор саъй-ҳаракатлари билан ишласалар, меҳнатда юқори натижаларга эришсалар, улар аввалгидек ишлашда давом этишлари мумкин.

Иш берувчининг бундай ҳолларда меҳнат муносабатларини сақлаш тўғрисида қўшимча буйруқ (фармойиш) чиқариши талаб қилинмайди.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,
эксперт-юристинимиз.

¹22.12.2010 йилдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» УРҚ-272-сон Қонун билан жорий этилган.

²3.09.1993 йилдаги 938-XII-сон.

МАҚОМГА ҚАРАБ ИЖТИМОЙ ЁРДАМ

Мен болаликдан ногиронман. Охириги тиббий текширишдан кейин менга III гуруҳ ногиронлигини бериб (илгари II гуруҳ эди), буни соғлигим ҳолати туфайли стационарларда ёта олмаслигим билан асослашди. ТМЭК шундай қилишга ҳақли эдимиз? III гуруҳ ногиронлари учун қонун ҳужжатларида қандай имтиёзлар назарда тутилган?

Болаликдан ногирон.


– Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга¹ кўра ногиронлик гуруҳи ҳаёт фаолиятининг чекланганлиги даражасига қараб асосий касалликнинг клиник ўтишини, унинг асоратларини ва клиник-эксперт прогнозини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Бунда Ногиронликка олиб келадиган асосий касалликлар ва ушбу касалликларда ногиронликни белгилаш мезонлари рўйхати² асос сифатида қабул қилинади.

¹ВМнинг 1.07.2011 йилдаги 195-сон қарорига 1-илова.

²ВМнинг 1.07.2011 йилдаги 195-сон қарорига 3-илова.

Ногиронликни белгилаш тўғрисидаги қарор клиник, психологик, ижтимоий-маиший ва касбий омиллар комплексини баҳолашга асосланади. Шу сабабли ТМЭК ногиронлик гуруҳини ўзгартиришга ҳақли ёки ҳақсиз эканлиги тўғрисидаги саволга жавоб бера олмаймиз, чунки биз, биринчидан, бундай қилишга ваколатли эмасмиз, иккинчидан эса, бизда ногиронликни белгилаётганда ҳисобга олиш керак бўлган барча зарурий ахборот мавжуд эмас.

Тиббий текширишдан ўтган шахс



ТМЭКнинг қарорига қўшилмаса, у бир ой давомида бош ТМЭКга ёки белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин.

III гуруҳ ногиронларига ижтимоий ёрдам зарур ҳолларда техник ва бошқа воситалар, кресло-аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус шрифт-ли босма маҳсулотлар, овоз кучайтиргич аппаратлар ва сигнализаторлар билан таъминлаш, шунингдек тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш хизматлари ва маиший хизматлар кўрсатиш тарзида берилади. **Зарур ёрдамнинг аниқ тури ногиронликни белгилаш тўғрисидаги ТМЭК ҳулосасида кўрсатилади.**

Мавзуга доир хат

БОЛА УЧУН ± 3 ЙИЛ

2011 йил 1 майдан бошлаб менга ёшга доир пенсия ҳисоблашди. Умумий иш стаж 35 йил деб қабул қилинди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарорига 3-иловага мувофиқ болани парвариш-лаш таътилларида бўлганлигимни тасдиқловчи маълумотномаларга кўра менга 3 йил қўшиб беришди (2 фарзандим бор: 1987 йил ва 1991 йилда туғилган). Шундан кейин пенсия ҳисоблаб чиқариш учун умумий стажим 38 йил бўлди.

2011 йил 15 декабрда мен Президентнинг пенсияни ошириш тўғрисидаги Фармони муносабати билан қайта ҳисоб-китоб қилишга ҳужжатларимни олиб бордим. Туман ижтимоий таъминот бўлимида менга маълум қилишларича, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарорига мувофиқ пенсия 2011 йил 1 январдан кейин ҳисобланган барча аёлларнинг пенсия ҳисоблаб ёзиш учун стажидан болани парвариш-лаш бўйича 3 йил чегирилган. Айтиш керакки, менинг оқибатида ҳисоб-китобдан кейин мендан 90 000 сўм ушлашлари керак. Батафсил тушунтириш беришмади, ҳужжатларни кўрсатишмади, бу оғзаки фармойиш эди дейишди.

Улар асосланган ҳужжатни барибир топдим, бироқ унда 3 йилни чегириш тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Бундан ташқари, у 2011 йил 1 октябрдан кучга кирган. Менинг билишимча, қонун орқага қайтиш кучига эга эмас. Тушунтириб берсангиз, Пенсия жамғармаси бўлими менинг стажимдан 3 йилни чиқариб ташлаб ва пенсияни қайта ҳисоб-китоб қилиб, тўғри қилганми?

М.Азимова, пенсионер.

– 2011 йил 1 январдан амал қилаётган меъёрга¹ кўра, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга болани 3 ёшга тўлгунча парвариш-лаш таътилида бўлган вақт ҳисобланади, бироқ у жами 3 йилдан ошмаслиги керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан 2 та ҳужжат тасдиқланди. Улардан бири – Пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган амалдаги иш ҳақини иш ҳақининг яқка тартибдаги коэффициентларини қўлланган ҳолда қайта ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом. У пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ўртача ойлик иш ҳақини белгилаш тартибига тааллуқли бўлиб, стажни белгилашга дахлдор эмас. Бундан ташқари, у 2011 йил 1 октябрдан амалга киритилган ва ушбу санадан кей-

¹22.12.2010 йилдаги УРҚ-272-сон Қонун билан «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ.



ин пенсия тайинлаш хусусида мурожаат қилганларга қўлланади.

252-сон қарор билан тасдиқланган иккинчи ҳужжат – Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда болани парвариш-лаш даври қандай қилиб ҳисобланиши ва қандай ҳужжатлар билан тасдиқланиши батафсил тушунтирилади. Унда куйидаги стажни ҳисоб-китоб қилишга доир мисол келтирилган:

Агар ишлаётган аёл 30 йиллик меҳнат стажига эга бўлиб, ундан жами 8 йили мобайнида 3 болани парвариш-лаш таътилида бўлган бўлса, пенсия тайинлаш учун иш стажини ҳисоблашда унга жами 25 йил (30 – 8 + 3) ҳисобланади.

Шу тариқа, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ сиз тасдиқловчи ҳужжатлар такдим этганда болани парвариш-лаш таътилида бўлган 3 йилни стажга ҳисобга киритиш ҳуқуқига эгасиз. Бироқ стажингиздан болани парвариш-лаш вақтини чиқариб ташлашнинг қонунийлигига доир жавоб сизга пенсия тайинлашда умумий стаж қандай ҳисобланганлигига боғлиқдир. Чунончи, сизнинг умумий меҳнат стажингиз, меҳнат дафтарчасидаги ёзувларга кўра, 38 йилни ташкил этса, бунга 2 болани парвариш-лаш таътилида бўлган 6 йил ҳам қиради, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун умумий стаж 35 йилни (38 – 6 + 3) ташкил қилади. Яъни ушбу ҳолда Пенсия жамғармаси бўлими 3 йилни тўғри олиб ташлаган.

Агар пенсияни ҳисоблаб чиқаришда стажингиз 35 йилни ташкил этган бўлиб, бунга болаларни парвариш-лаш вақти кирмаса, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун 38 йил (35 + 3) олинади. Ушбу ҳолда Пенсия жамғармаси бўлими 3 йилни нотўғри олиб ташлаган.

Мария ТУХТАРОВА,
эксперт-юристинимиз.

БУЮКЛИК ОДМИЛИКДА

ЁКИ МИЛЛИОНЕРЛИККА ОЛИБ БОРГАН 10 ТА ТАСОДИФИЙ ИХТИРО

Кимёвий моддаларнинг даврий жадвалини Менделеев тушида кўрган деган афсонани қайси ўқувчи билмайди дейсиз... Аммо тарихда бошқа мутлақо тасодифий кашфиётлар ҳам кўп, улар муаллифларига жаҳон миқёсида шон-шуҳрат ва... бойлик келтирган. Куйида шулардан баъзилари ҳақида сўз юритилади.

«ТУТҚИЧЛИ» МУЗҚАЙМОҚ

Ихтирочи: Фрэнк Эпперсон

Эпперсон 11 яшарлигида кўча таомлари индустриясида инқилоб ясади, жаҳонда биринчи «меваги музқаймоқ» рецепти муаллифи ҳам бўлиб қолди. Айтишларича, қиш кунларидан бирида кечқурун бу болакай содала сув солинган стаканни аралаштириб туриш учун ишлатган таёқчаси билан ташқарида унутиб қолдирган. Орадан 18 йил

ўтгач, 1923 йилда эр йигит бўлиб етишган Эпперсон ўша топилмасини бизнес соҳасида фойдаланди ва музлатилган лимонад савдосини йўлга қўйди.

Бир йил ўтар-ўтмас ихтирочи ўша кезлари эппискл деб юритилган

бу музқаймоғи билан шунчалик бойиб кетдики, ихтироси учун патент олиб, «Попсикл Корпорэйшн» компанияси очди. 1928 йилда патентни сотгач, у АҚШда сотилган ҳар бир попсиқлдан ажратма оладиган бўлди. 1983 йили бу брэндни озик-овқат дунёсидаги машҳур «Юнилэвэр» холдинг компанияси сотиб олган пайтда ихтиронинг баҳоси 155 млн долларни ташкил этди.

СУПЕРКЛЕЙ

Ихтирочи: Гарри Кувер

Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Ист-мэн Кодак» компаниясида тадқиқотчилар гуруҳига бошчилик қилган америкалик кимёгар Кувер цианакрил кислотадан фойдаланган ҳолда қуролсозлик соҳаси учун ўта аниқ нишонлар ишлаб чиқиш билан қизғин шуғулланди. Нишон борасида, рост, тузукроқ натижа бўлмади, аммо тажриба ўтказилаётган кунлардан бирида бутун гуруҳ том маънода янги моддага «ёпишиб қолди». Моддани кейинчалик суперклея деб аташ бошладилар.

1958 йилга келиб бундай елимни оммавий йўсинда ишлаб чиқара бошладилар. Кувер кейинчалик яна 320 турдаги елимни, шу жумладан жарроҳлик йўли билан қилинган чокларга қоплама учун махсус елим тайёрлаш ва кенг кўламда ишлаб чиқаришда иштирок этди. Олим 2011 йилда вафот этди, бу вақтга келиб унга нақ 460 патент тегишли эди.

МОВЕИН БЎЁҒИ

Ихтирочи: Уильям Генри Перкин

Омади чопмаган яна бир кимёгар – Буюк Британия фарзанди неча йиллар мобайнида безгақдан даволайдиган дори излади. Тасодифни қарангки, унинг изланишлари 1856 йили жаҳонда биринчи сунъий (синтетик) бўёқ ихтиро этилишига олиб келди ва Перкин тез орада ўз ихтироси учун патент олди.

Шундан кейин у Лондон яқинида фабрика очди. 1862 йилга келиб унинг тўқ қизил бўёғи шу даражада машҳур бўлиб кетдики, қиролича Виктория мовеин билан бўялган либосида юришни ўзига фахр деб билди.

Бўёққа қизиқиш кўпга бормаган бўлса-да, Перкин 10 йил мобайнида миллионерга айланди. Шундан кейин фабрикасини сотиб, ўзини бутунлай тадқиқотлар билан шуғулланишга бағишлади.

ТЕФЛОН

Ихтирочи: Рой Планкетт

Бу кашфиётга ҳам фаромушлик ва тунги аёз сабаб бўлди. Совуткич моддалар яратиш устида иш олиб бораётган америкалик Рой Планкетт газлар билан тажриба ўтказиш асносида тасодифан намуналардан бирини ташқарида қолдиради. Эрталаб қараса, модда қаттиқлашиб мумга ўхшаб қолибди.

Шундан кейинги тадқиқот ишлари Планкетт ишлаётган компанияга 1945 йили тефлон учун патент олиш ва ундан юзлаб турдаги маҳсулотлар, хусусан металл идишдан тортиб кабель ихтосигага бўлган нарсалар ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконини берди. Бугунги кунга қадар ихтиро ўз муаллифи ва шу моддани ишлаб чиқараётган компанияга миллиард-миллиард доллар бойлик келтирди. Дарвоқе, мазкур компания кимё индустрияси жабҳасининг жаҳон миқёсидаги рейтингда 3-ўринни эгаллаб турибди.



БЕЛЬГИЯЛИК БАКЕЛАННИНГ БАКЕЛИТИ

Бакелит полимери эримайди, иссиқликни яхши ўтказмайди, босим, ишқаланиш, тирналиш ва зарбаларга жуда чидамли бўлиб, яхши изолятор ҳисобланади, ишлови жўн, +300 даража ҳароратга дош беради. Унинг бу хусусиятлари амалда ҳамма соҳада – машинасозлик ва қуролсозликда, электротехникада (телефонлар, дазмоллар, электр ҳисоблагичлар, чироқни ёқиб-ўчиргичлар) ва маиший товарлар (пичоқ ва това дастаси, шашка ва шахмат, эсдалик буюмлари ва шу сингарилар) ишлаб чиқаришда қўлланиш имконини беради.

Бельгиялик Бакелан дастлаб тамомила бошқа нарсани – табиий қатрон ўрнида ишлатиш мумкин бўлган, лок ва бўёқ ишлаб чиқариш учун зарур шеллак моддасини излаган эди. Шеллак ташқи жисмоний таъсирларга чидамли бўлса-да, жуда ёнувчандир. Ихтирочи бакелит яратиш билан бир йўла икки муддаога эришди – аввало излаганини топди, қолаверса қимматли полимер ва жаҳонда биринчи пластик яратди. Бакелан 1910 йили ўз кашфиёти учун патент олди, «Бакелит Корпорэйшн» компаниясини барпо этди ва бусиз ҳам салмоқли давлати ёнига бир неча ўн миллионлаб доллар бойлик қўшди.

ВАЗЕЛИН

Ихтирочи: Роберт Чизбро

22 ёшли кимёгар Чизбро нефть индустрияси жабҳасида ўзини синаб кўриш учун

1859 йили Пенсильванияга келди. Ажойиб кунлардан бирида у нефть чикитлари ташланадиган жойнинг тубида ёпишқоқ модда топди. Нефтчилар уни парафин ёки «мум пробка» деб юритишар ҳамда кесилган ва куйган жойларни даволашда ишлатишар экан. Уддабурон Чизбро бу моддадан намуна олиб, яхшилаб, таркибидаги унсурларини ажратиш текшириб кўрди.

1872 йили у вазелин учун патент олди, уни кенг кўламда ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Орадан 2-3 йил ўтмай Лондон, Париж ва Барселонада ўз офисларини очди. XX аср бошларига келиб, Европа ва Африкадаги ўнлаб мамлакатларда Чизбронинг заводлари ишлаб турарди. 1987 йили мазкур компания уни юқорида номи зикр этилган «Юнилэвэр» сотиб олган пайтда йилига 75 млн доллар даромад келтирарди.

ПЛАСТИЛИН

Ихтирочи: Жозеф МакВикер

Пластелин болаларнинг сеvimли овунчоқларидан бирига айлангунига қадар нақ 22 йил мобайнида ундан... гулқоғозларни тозалаш воситаси сифатида фойдаланишган. 1954 йили Жозеф МакВикернинг келини – пластилин ишлаб чиқарувчи фирма ходими моддадан бир парчасини олиб, ўзи тарбиячи бўлиб ишлайдиган болалар богчасига олиб бориб, болаларга кўрсатган. Бу пластик модда болаларга шу даражада ёқиб қолганки, Ж.МакВикер келинининг айтганларидан модданинг тижорат бобида зўр бойлик келтириши мумкинлигини пайқаб, гоёсини амалга оширишга киришган. Кимёгар компанияда алоҳида цех очиб, пластилинга ҳар хил бўёқ, хушбўй ҳид берадиган нарсалар қўшган. Ҳар банкасига 1,5 доллар баҳо қўйган (мувозий тарзда гулқоғоз тозалаш учун ишлатиладиган пластилинни 0,34 доллардан сотган), 4 йил ичида компаниянинг фойдаси 100 минг доллардан 3 млн долларга етган. 1960 йили у асосий фирмдан ажралиб чиқиб, фабрикадор бўлди. 1964 йили корхонани ва патентни 18 млн долларга сотди.



БУНИ СТИКЕР ДЕЙДИЛАР

Ихтирочи: Артур Фрай

1973 йил. Кунлардан бирида Фрай черков хорида қўшиқ айтаётиб, хаёлига қизиқ бир фикр келди. Қўшиқ ёзилган қоғозларни ҳадеб туриши юборар, натижада қўшиқ сўзларини чалкаштириб юборар эди: керакли бетни топгунча неча марталаб терлашига ҳам тўғри келган. Ана шунда бир неча кун муқаддам бир ихтирочи пенсионер (Спенсер Сильвер) ўтказган семинар унинг ёдига тушди. У ноёб елимсимон модда йўлаб топганлигини, аммо тижорат йўсинида қай соҳада ишлатиш мумкинлиги борасида боши қотаётганлигини айтган эди.

Фрай бунинг йўлини топди. Тўғри, ишлаб чиқиш, маркетинг йўналишида тадқиқот ўтказиш ва амалиётга жорий этиш қарийб 8 йилга чўзилди. Аммо натижа дуруст бўлди. Бугунги кунда ҳар йили қарийб 6 миллдекард ёпишқоқ қоғоз туркуми сотилади; шу соҳага ихтисослашган компания елимқоғоз ва ён дафтарларнинг қарийб 400 турини чиқармоқда ва 100 дан ортиқ мамлакатга сотмоқда.

МИКРОТЎЛҚИНЛИ ПЕЧ

Ихтирочи: Перси Спенсер

Америкалик муҳандис Перси Спенсер душман самолётларини аниқлаб берадиган асбоб устида тажриба олиб бориш асносида беихтиёр чўнтагидаги шоколадли батонча эриб, шакли ўзгариб қолганини кўрди. Олим бунга микротўлқин нурланишлар сабаб бўлганлигини тезда тушуниб етди ва бундай нурларнинг бошқа маҳсулотларга таъсири хусусиятини ўрганишда давом этди.

Ўз кашфиётини ҳамкасабаларига нанин йиш этиш мобайнида Спенсер бир неча марта тухум пишириб кўрсатди, поп-корн тайёрлаб, хот-доғни иситиб берди. 1940 йилнинг охирида у микротўлқинли печ учун патент олди ва бундай печларни ялпи ишлаб чиқарилишига розилик берди. АҚШ Мудофаа вазирлигининг йирик пудратчиси ва жаҳонда биринчи бўлиб микротўлқинли печ ишлаб чиқаришга киришган «Райтеон» компаниясининг айланмаси ўтган йили 25 млрд долларга борди. Ўзича ўқиб ўрганган Спенсер 1970 йили боқий дунёга рихлат қилган пайтда тўлқинли техника соҳасидаги ихтиролари учун... 300 дан ортиқ патент олган эди.



ЁПИШҚОҚ ИЛГАК («ЛИПУЧКА»)

Ихтирочи: Жорж де Местраль

1941 йили Швейцариянинг чоғроқ қишлоғида эрталабки югуриш машқларидан кейин олим Жорж де Местраль кийимини қушқўнмас деган ёввойи ўтнинг гулларида зўр бериб тозаларди. Туйқусдан у шу ўсимликнинг «хиралиги»га қизиқиб қолди. Де Местраль ўсимликнинг гуллари микроскопда текшириб шуни аниқладики, уларнинг кийимга ёпишиб олишига гуллар сиртидаги юзлаб митти тиканаклар сабабчи экан. Фаннинг бир неча соҳасидан мукамал хабардор де Местраль мустаҳкамлагич-ёпишқоқ материал ишлаб чиқишга киришди ва орадан 10 йил ўтиб, савдода дастлабки ёпишқоқ материаллар пайдо бўлди. Аммо ихтиро истеъмолчилар орасида ўтган асрнинг 70-йилларида, бу материалдан НАСА космонавтлари учун кийим тайёрлашда қўлланилганидан кейин кенг обрў-эътибор топди. Ўшандан буён бундай материал савдоси суръати тинмай ўсмоқда. Марҳум де Местралнинг рафиқаси сўзларига қараганда, олим умрининг охириги 30 йили мобайнида асосан ўз ихтиросидан келаётган патент ажратмалар ҳисобига яшаган ва рўзгор тебратган.

Хорижий матбуот материалларидан.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
тел. 283-44-57
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Norma maslahatchi» да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томсидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОРПРИНТ» МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 50 Адади 3 260. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 13 февралда соат 13.30 да топширилди.
ISSN 2010-5223